

## ШАРТНОМА №1

“8” январ 2022й

Риштон шахри.

Бизлар ким имзо чекиб шартнома тузувчилар келгусида «Сотувчи» деб аталувчи **«Риштон озик овқат савдо» МЧЖ рахбари М.Ахмадалиев** бир томондан ва келгусида «Сотиб оловчичи» деб аталувчи **«Риштон туман Мактабгача Тавлим Бўлимни»** уз Низоми асосида фаолият юритувчи рахбар **М.Дадажонова** ушбу шартномани имзолаш билан куйидагилар келишилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Сотувчи” ушбу шартномага асосан “Сотиб оловчига” ўзаро келишилган микдорда ва муддатларда шартноманинг умумий кийматидан ошмаган суммадаги нон махсулотларини етказиб беради, “Сотиб оловчичи” етказиб берилган нон махсулотларни кабул килиб олиб, тўлов хужжатларини амалдаги конунчилик талабларига мувофик расмийлаштириб, харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибида амалга оширади.

№	Махсулот номи	ул.бир	микдор	нархи	суммаси
1	Колипли нон 0.5кг, 1-нав	кг	14 357,0	2 900	41 635 300
<b>Жами:</b>					<b>41 635 300</b>

## II. ШАРТНОМА БАХОСИ, МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Мазкур шартноманинг умумий киймати Кирк бир миллион олти юз уттиз беш минг уч юз сўмни ташкил этади.

2.2 “Сотувчи” томонидан нон махсулотлари “Сотиб оловчичи”нинг талабига кўра боскичма-боскич етказиб берилади.

2.3 “Сотиб оловчичи”га нон махсулотлари “Сотувчи”нинг транспортида 30 (уттиз) кун муддат ичидаги етказиб берилади.

2.4 “Сотувчи” тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик <sup>1</sup>белгиланган микдорда ва муддатларда нон махсулотларини етказиб беради.

2.5 “Сотиб оловчичи” «Сотувчи» тақдим этган хужжатларга асосан узил-кесил хисоб-китобни ўзаро келишилган муддатларда “Сотувчи” хисоб-ракамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.6. Махсулот етказиб бериш даврида махсулотларнинг нархлари ўзгарган тақдирда “Сотувчи” ёки “Сотиб оловчичи” ташаббуси билан мазкур шартномага кўшимча келишув шартномаси тузилиши мумкин.

2.8. “Сотиб оловчичи” “Сотувчи”га олинадиган товарининг 30 (уттиз) фоиз хакини олдиндан ўтказиб беради, товарнинг колган суммасини 30 банк иш куни мобайнида кечиктиримай тўлиқ тўловини таъминлайди.

## III. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган леб хисобланади.

3.2 “Сотиб оловчичи” томонидан талабномани нон махсулотларининг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 3 кун олдин чопар оркали, почта оркали ёки бошқача тарзда берилади. Талабномани чопар оркали кабул килишда “Сотувчи”нинг ходими “Сотиб оловчичи”да коладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у кабул килинганилиги тўғрисида белги кўяди.

3.3. “Сотиб оловчичи” илгари берилган талабномани бекор килишга ёхуд нон махсулотларининг тегишли туркумларни етказиб бериш санасини ўзгартиришга хаклини бу хакда “Сотувчи”ни талабномада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор киласди.

3.4. “Сотиб оловчичи” муддатлар бузилиган ҳолда етказиб берилган нон махсулотларини кабул килишни рад этишга хаклини.

3.5. “Сотиб оловчичи” “Сотувчи” томонидан нон махсулотлари ўз вактида етказиб берилмаган ёки сифатиз махсулотлар етказиб берилган холатларда шартномани “Сотувчи” ни ёзма хабардор килган ҳолда бир томонлама бекор килиши мумкин. Колган холатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро кўшимча келишувларига мувофик киритилади.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Сотувчи”нинг мажбуриятлари:

4.1 “Сотувчи” етказиб бериладиган махсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёrlарга мувофик бўлишини хамда тегишли сифат сертификати ёки тахлил (текшириш) баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган микдорда бўлишини таъминлайди. Акс ҳолда нон махсулотлари “Сотиб оловчичи” томонидан кабул килинимайди.

4.2 “Сотиб оловчичи”га нон махсулотларини етказиб бериш вактида тегишли сифат сертификати ёки тахлил (текшириш) баёни нусхасини тақдим этади.

4.3 Нон махсулотларини кабул килиб олиш вактида аниқланган камчиликларни “Сотиб оловчичи” талабига мувофик 3 кунлик муддатда бартараф этади.

4.4 “Сотиб оловчичи” томонидан сотиб олинган махсулотларига 3 ой муддат утгандан сунг нарх-наво ва сифатига булган давло «Сотувчи» томонидан кабул килинимайди.

“Сотиб оловчичи”нинг мажбуриятлари:

4.5 Ўз талабномаси бўйича етказиб берилган нон махсулотларини мазкур шартномага мувофик кабул килиш;

4.6. Нон махсулотларини мазкур шартномада кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда узил-кесил хисоб-китобни амалга ошириш.

4.7. Шартномани амал килиш даврида "Сотувчи" томонидан давлат маңбаатларига зарар етказиш холаты аникланган тақдирда шартномани бир томонлама бекор килишга хаклиди.

## V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб оловчичи»га сифатсиз, ёки саклаш муддатлари утиб кетган маңсулотларни етказиб берилган холда «Сотиб оловчичи» «Сотувчи»дан бундай маңсулотларни умумий кийматидан 20%, жарима куллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб оловчичи»га белгиланган маңсулотлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Сотувчи» муддати утган хар бир кун учун кечикирилган маңсулот кийматининг 0,5% микдорида лекин кечикирилган маңсулот кийматининг 50% дан ошмаган холда «Сотиб оловчичи»га пеня тўлади.

5.3. Агар «Сотиб оловчичи» «Сотувчи»дан одинган маңсулот нулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати утган хар бир кун учун кечикирилган сумманинг 0,4% микдорида, лекин кечикирилган туловнинг 50% ошмаган микдорда пеня тулайди.

5.4. Жарималар туланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга хаклиди.

## VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Форс-мажор холатлар, жумладан ер кимирилаши, сел келиши каби табиий оғатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги конун ва карорларни кабул килиниши натижасида келиб чикадиган холатларда тарафлар мазкур шартнома ва кўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома "Сотиб оловчичи", "Сотувчи" томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради ва 2022 йил "8" январдан 2022 йил «31» декабр гача амал килади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8.3. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик булимидан руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома икки нусхала тузилади. Шартноманинг иккала нусхадари тенг юридик кучга эгадир.

## АЛОХИДА ШАРТЛАР

### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

#### «Сотувчи»

«Риштон озиқ овқат савдо» МЧЖ УХБ  
(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Риштон тумани Риштон шаҳри

Тел./факс:

х/в: 20208000600608381001

Банк номи: ТИФ "Миллий банк"

Риштон туман булими.

МФО: 00946 СТИР: 303901728

ОКОНХ: 71150



М.Ахмадалиев.  
(Ф.И.Ш.)

Хукукшунос:

#### «Сотиб оловчичи»

Риштон туман мактабгача таълим бўлими  
(бюджетдан маблағ оловчининг номи)

Манзил: Риштон шахар Ар Рошидоний кўчаси 78 ўй  
Тел./факс 73-452-11-81

ш/хр: 10002286030 224708110251035

бюджетдан маблағ оловчичи СТИРи: 305154421

ОКОНХ: 85100

Узб.Респ.Молия Вазирдиги Газначилигига Ягона Ғазна  
Хисоб вараги

Ғазна х/р 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш. Бош

бошкармаси хисоб китоб касса маркази

МФО 00014

газначилик булими СТИРи 201122919



М.Дадажонова  
(Ф.И.Ш.)

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№ BS1375645820**

1. Loyihaning turi: ShARTNOMA № 1
2. Loyihaning nomi: Qolipli non yetkazib berish

Umumiy summasi 41 635 300 (qirq bir million olti yuz o'ttiz besh ming uch yuz) so'm bo'lgan qolipli non mahsulotlari yetkazib berish bo'yicha "Rishton oziq-ovqat savdo" ma'suliyati cheklangan jamiyati rahbari M.Ahmadaliyev va Rishton tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi rahbari M.Dadajonovalar o'rtalarida tuzilgan №1-sonli shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi "Rishton oziq-ovqat savdo" ma'suliyati cheklangan jamiyati tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun Rishton tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 08.01.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjalariiga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsult**



**B.I.Bo'riyev**